
РЕСПУБЛИКАДА ИЛК БОР ТОШЛОҚДА ПАХТА-ТЎҶИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ТОМОНИДАН ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА СПОРТ КЛУБИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров томонидан Фарғона вилоятида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оммавий спорт турларини ривожлантириш, шунингдек, истеъдодли ёшларни саралаб олиш орқали вилоят жамоалари захирасини шакллантириш мақсадида жойларда спорт клублари ташкил этиш ва уларни самарали фаолият юритиши бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси белгилаб берилган эди.

Ушбу топшириқ ижроси доирасида Тошлоқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан бугун тумандаги Ехро Kollor Prin Teks пахта-тўқимачилик кластери қошида “Ехро Kollor Prin Teks Sport Klubi” унитар корхона шаклидаги оммавий спорт клуби ташкил этилди. Клуб қошида футбол, мини-футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи каби спорт турлари бўйича жамоалар шакллантирилиб, вилоят мусобақаларида иштироки таъминланиши белгилаб қўйилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-16 18:34:21